

he sholde stand up... (Caxt., 16). Н аряду с этим в придаточном предложении еще сохраняется употребление глагола в форме конъюнктива, хотя уже можно отметить, что форма конъюнктива встречается главным образом в возвышенной и официальной речи.

Например: Apollo the god Mars commandeth thee that thou retourne incontinent to thy cite (Cax. I, 101). My lord, the counsil of the Queen commands that resign my charge (Marl. Edw. 383). The Queen commanded that specimens be submitted to her (Milton). При довольно ограниченном употреблении придаточного предложения инфинитивный оборот, напротив, широко используется всеми авторами, причем примеров с инфинитивным оборотом зарегистрировано в два раза больше, чем с придаточным предложением. ...and commaunded him to bere his baner (Merl. 162) ...and then he commaunded me to be this shylde... (Malory. Ill, 461, 15); ...and commaund you to bring the sacrifice (Llyl. 465. 17); Command thy son and daughter to join hands (Shak. K. J. 32). В языке новоанглийского периода тенденция к замене придаточного предложения инфинитивным оборотом получает полное развитие, и инфинитивный оборот после глаголов приказания (order, command) становится абсолютно преобладающей конструкцией, а после глагола bid практически единственно возможной. Следует отметить, что в произведениях новоанглийского периода глагол bid встречается крайне редко. Вместо глагола bid в значении «приказывать, настоятельно просить» стал употребляться глагол tell. Этот глагол в значении «приказывать», «настоятельно просить» (to order, bid, request authoritatively. Oxf. dictionary) употребляется исключительно с инфинитивным оборотом и встречается начиная с конца XVI века.

Литература

1. Э.К.Долгополова. Глаголы группы претерито-презентные в английском языке. М. 1951, стр. II.
2. G. Сиг м е. Principles and Practice of English Grammar, p. 235.
3. Poutsma. A Grammar of Late Modern English, p. 31, § 28.
4. Е.Израилевич, К.Качалова, Практическая грамматика английского языка. М ., 1952, стр. 255.
5. Mukhiddinova, K. A. (2022, August). TECHNICAL AND ECONOMIC CONDITION OF OIL DRILLING FROM THE FIELD OF " MUBARAK OGP" ENTERPRISE. In Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference (Vol. 2, No. 4).
6. Бободжонова, З. (2021). Economic regulation of development methods for water injection at explored fields. Общество и инновации, 2(11/S), 37-41.
7. Bobojonova, Z. S. (2021). ANALYSIS OF ECONOMIC EFFICIENCY OF OIL RECOVERY FROM FIELDS IN BUKHARA-KHIVINSKY REGION AND WAYS OF ITS IMPLEMENTATION. NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal| NVEO, 10183-10187.

ГЕНДЕР ТИЛШУНОСЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Ҳақбердиева Гулруҳ Толибовна
Самдчи, ўқитувчи

Аннотация: Ушбу мақолада гендер тилшунослигини ривожлантириш асослари ҳақидаги илмий фирмалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар:Гендер тилшунослиги, эркак ва аёллар нутқий ҳаракатлари, ижтимоий гурухлар муроҷоти, ассоциатив тафаккур.

Гендер тилшунослиги ҳам ҳозирги пайтда турли методологик асосларга таянган ҳолда бир қатор йўналишларда ривожланиб бормоқда. Н.З.Насруллаева эркак ва аёллар нутқий ҳаракатлар ўзига хос кўрсаткичларга эгалиги билан боғлиқ муаммолар тадқиқида учта асосий ёндашув оммалашганини қайд этади

Гендер тилшунослигига оид ҳодисаларнинг квантатив таҳлили билан биринчилардан бўлиб социолингвистик олимлар шугулланиб, уларнинг ишларида тилдан маълум ижтимоий гурухларда фойдаланиш ҳолатлари ҳақида катта ҳажмдаги квантатив маълумотлар келтирилган. Тилдан фойдаланишининг фонологик жиҳатларини тадқиқ қилган В.Лабовнинг кузатишича, хотин-қизлар талаффузнинг нуфузлироқ шаклини танлайдилар, аммо эркак ва аёллар талаффузидаги фарқлар микдори аёлларнинг ижтимоий мақомига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Олим, шунингдек, ҳар қандай сўзловчи нутқида вариативлик ҳолатлари учрашини ва у ёки бу фонологик вариантдан барча вазиятларда бир хилда фойдаланмаслигини кўрсатиб ўтишни ҳам унутмайди. В.Лабовнинг ушбу

хulosаси гендер тилшунослигининг баъзи бир вакилларининг эркак ва аёллар нутқидаги номутаносибликлари биологик жиҳатдан шартланганлиги борасидаги фикрлари асоссиз эканлигини исботлайди.

Квантатив амалларнинг гендер тадқиқотларига татбиқи тобора кенг ёйилиб бораётганида хабардормиз. И.Бодуэн де Куртенэ, В.В.Виноградов каби машхур тилшунослар математик тафаккур амалларига мурожаат қилишнинг лисоний ҳодисалар тадқиқида муҳимлигини алоҳида таъкидлаганлар. В.Н.Ярцеванинг талқинича, “қўлланиш миқдор тил тизимининг функционал жиҳатига оидdir, ҳар қандай лисоний ҳодисанинг қўлланиш миқдорини инобатга олиш таҳлилнинг фойдали усулидир”. Бироқ, квантатив таҳлил усулидан фойдаланишнинг самараси тадқиқотнинг мақсади ва обьекти билан боғлиқ. Математик аппаратга мурожаат қилиш орқали ҳар қандай муаммонинг ечимини топиш қийин. Квантатив ёндашув асосида лисоний ҳодисаларнинг маълум бир жиҳатларини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, статистик маълумотларни тўплашга йўналтирилган методлар тавсифловчи ва баҳоловчи кўринишлари эга эканлиги маълум. Биринчисида натижаларни умумлаштириш ва кўргазмали равишда тақдим этиш вазфаси қўйилса, иккинчисида олдиндан белгиланган фаразларни эришилган натижалар билан қиёслаш асосида баҳолаш ҳаракати амалга оширилади. Ҳар икки методдан фойланиш учун аввало кузатилаётган ҳодисаларнинг умумий, типик ёки индивидуал хусусиятга эга эканлигини ажратиш талаб қилинади. Биринчи қаторда турғанлари доимий сабаблар билан боғланса, иккинчи қатордагилари фавқулодда юзага келадиганлар гурухига киритилади. Демак, квантатив таҳлилда миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзаро муносабатини инобатга олиш муаммоси долзарбдир. Зеро, “лисоний обьектнинг сифат кўрсаткичлари кўп жиҳатдан уни ташкиллаштирувчи элементлар сони, қўлланиш миқдори ва уларнинг ўзаро миқдори кўлами билан боғлиқ”. Миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўзаро алоқадорлигига ўрганиш гендер тилшунослиги ривожи учун истиқболли имкониятларни яратади.

Гендерология соҳасида жадал ривожланаётган йўналишлар қаторига психолингвистик тадқиқотлар киради. Ушбу йўналишнинг тарғиботчиларидан бўлган Е.И.Горошконинг докторлик диссертациясида ассоциатив тилшуносликнинг психолингвистика ва гендер тилшунослиги ривожидаги ўрни таъкидланиб, мазкур ёндашувнинг методологик асоси ёритилган.

Олиб борилган кузатувлар эркак ва аёлларнинг олам ҳақидаги тасаввурида турлича ассоциатив тасвирлар мавжудлигини намоён қиласи ва бу, ўз навбатида, турли жинслар вакилларининг лисоний ҳатти-ҳаракатлари уларнинг лисоний онги доирасида кечишидан дарак беради. Чунки ассоциатив боғламларнинг шаклланишига тил соҳибларининг касби, жамиятдаги мавқеи, ҳаётий тажрибаси билан бир қаторда, жинси ҳам таъсир кўрсатиши аниқ.

Маълумки оламнинг лисоний манзараси инсон онгининг воқеланишини акс эттиради ва бу олам ҳақидаги ахборотнинг идрок этилиши жараёнида содир бўлади. Ҳар бир тил ўзига хос идрок ва концептуаллаштириш воситасига эга.

Адабиётлар

1. Альберх Ф.Б. Соотношение семантического признака пола и грамматической категории рода в формировании переносного значения // Язык и мышление: психологические и лингвистические аспекты. – М.: 2001. – С. 77-78.
2. Бабушкин А.П., Попова З.Д. Динамика социальных компонентов семантике слова (на примере названий человека в современном русском языке) // Динамика слова в синхронии и диахронии. – Калининград, 1987. – С. 96-136.
3. Бурукина О.А. Проблема культурно детерминированной коннотации в переводе. Автореф. Дисс. канд. филол. наук. – М.: 1998. – 24 с. Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). – М.: Академия, 2008. – 331 с.
4. Mukhitdinova, K. A. (2022, August). TECHNICAL AND ECONOMIC CONDITION OF OIL DRILLING FROM THE FIELD OF " MUBARAK OGP" ENTERPRISE. In Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference (Vol. 2, No. 4).
5. Бободжонова, З. (2021). Economic regulation of development methods for water injection at explored fields. Общество и инновации, 2(11/S), 37-41.
6. Bobojonova, Z. S. (2021). ANALYSIS OF ECONOMIC EFFICIENCY OF OIL RECOVERY FROM FIELDS IN BUKHARA-KHIVINSKY REGION AND WAYS OF ITS IMPLEMENTATION. NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal| NVEO, 10183-10187.